



1913-yil aprel oyidan chiqib boshlagan

Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!


2025-yil 19-aprel, shanba,
46 (24.072)-son

O'zbek xalq
maqoli

Baliq suv
bilan tirik,
odam -
el bilan

"PROM PRO EXPO-2025"

sanoat sohasidagi yangiliklar va
mahsulotlar namoyishi



Oltinchi bor tashkil etilgan "PROM PRO EXPO-2025" sanoat ko'rgazmasida nafaqat Samarqand, balki respublikamizning boshqa viloyatlaridan kelgan 70 dan ortiq korxona 2 mingdan ko'proq mahsulotlari bilan ishtirok etdi. Mazkur ko'rgazmada malakali tadbirkorlar bilan birgalikda endi ishi bogshlayotgan subyektlarga turli yo'nalishlarda tushunchalar berish uchun soliq, bojxona, statistika, tijorat banklari mutaxassisarlari ham jalb etilgan.

Ko'rgazmaning ochilishida viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi A.Boboyev ko'rgazmada namoyish etilayotgan mahsulotlarning sifati va salmog'i ortib borayotgani, mahalliy korxonalarda ishlab chiqariladigan mahsulotlarimizning ko'payishi import o'rnini qoplab, eksportga ko'proq yo'naltirish imkonini berishini ta'kidladi.

"SAMARKAND GOLDEN CHICKPEAS" oilaviy korxonasi 50 dan ortiq turdagi qishloq xo'jalik mahsulotlarini dehqonlardan qabul qilib, saralab, qayta ishlash, qadoqlash va talabga ko'ra pishirilgan holda eksport qilish bilan shug'ullanadi. Mahsulotlar Yevropa, MDH davlatlari, AQSh, Argentinaga sotilmoqda. Bu yildan yangi bozorlar o'zlashtirilib, Avstraliya, Fransiya va Dubayga eksport yo'lga qo'yilgan bo'lsa, Yevropa, AQSh bozorlaridagi eksport faoliyati kengaytirildi.

Hozirgi kunda isitish tizimlari, tejamkor uskunalarga talab yuqori bo'lmoqda. Ko'rgazmaga qo'yilgan ana shunday zamonaviy uskunalar ishtirokchilarda qiziqish uyg'otdi.

Biz 2025-yil yanvar oyidan

xitoylik tadbirkorlar bilan hamkorlikda xonadonlar, tashkilotlar va issiqxonalar uchun kichik, o'rta hajmdagi ko'mir va o'tinda ishlaydigan isitish qozonlari, pechlar, kamenlar, ikki pallali pech ishlab chiqarishni boshladik, - deydi "Eko qurilmalar" MCHJ rahbari Mamayusuf Toshhev. - Hali mahsulotlarimiz yangi bo'lsa-da, qiziquvchilar ko'p. Hozir mahsulotlarimizni asosan ichki bozorga yo'naltiryapmiz, lekin Tojikistondan kelgan xaridorlar shu yerning o'zidan xarid qilib olib ketishyapti. Yil yakunigacha investitsiya jalb qilib, mahsulotni to'liq mahalliy lashtirishni rejalashtiryapmiz.

"Progress-s" xususiy korxonasi tomonidan taqdim etilayotgan 60 vatt quyosh paneliga akkumulyator biriktirilgan holda kunu tun ishaydigan ko'chma svetofor ham ishtirokchilarda qiziqish uyg'otdi. Ushbu korxona yo'l belgilari, maktab, bog'chalar uchun kichik hajmdagi svetoforlar ishlab chiqaradi. Shuningdek, simkartali mikroskema o'rnatilgan svetoforlarni masofadan boshqarish imkoniyati yaratilgan. Yana svetoforlarda ovozli signal berish tizimi ham o'rnatilgan bo'lib, piyoda yoki haydovchini harakatlanish yoki to'xtash haqida ogohlantiradi.

Ko'rgazma davomida 2024-yil davomida erishgan yutuqlari uchun bir qator sanoat korxonalari taqdirlandi.

Ko'rgazmada tadbirkorlar va ishtirokchilarga qulaylik yaratish uchun panel sessiyalar, B2B uchrashuvlar o'tkazish, sohalar muammolari yuzasidan muhokamalar o'tkazish imkoniyati ham yaratilgan.

O.XUDYBERDIYEV,
F.RO'ZBOYEV (surat).

Markaziy Osiyo davlatlari Xavfsizlik kengashlari kotiblari uchrashuvi

18-aprel kuni Samarqand shahrida Markaziy Osiyo davlatlari Xavfsizlik kengashlari kotiblarining ikkinchi uchrashuvi bo'lib o'tdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Xavfsizlik kengashi kotibi Viktor Mahmudov raisligida o'tgan yig'ilishda Qozog'iston Respublikasi Xavfsizlik kengashi kotibi Gizat Nurdauletov, Qirg'iz Respublikasi Xavfsizlik kengashi kotibi Marat Imanqulov, Tojikiston Respublikasi Xavfsizlik kengashi kotibi Yusuf Rahmon, Turkmanistonning O'zbekistondagi elchixonasi harbiy attashesi Meylis Annaberdiyev ishtirok etdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning forum ishtirokchilariga murojaatini V.Mahmudov o'qib eshittirdi.

Uchrashuvda mintaqaviy xavfsizlik, terrorizm, ekstremizm va radikalashuv, transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi birgalikda kurashish, mintaqada ekologik xavfsizlikni ta'minlash, transport va tranzit salohiyatini rivojlantirish, shuningdek, Markaziy Osiyoda transport xavfsizligini ta'minlash bo'yicha birgalikdagi sa'y-harakatlar kabi keng ko'lamlı masalalar muhokama qilindi.

O'ZA.



16-17-aprel kunlari viloyat hokimligi tashkiliy-kadrlar guruhi rahbari Behzod Rahmatullayev boshchiligidagi samarqandlik tadbirkorlar AQShning Nyu-York va Filadelfiya shaharlarida tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanayotgan vatandoshlarimiz bilan uchrashuv o'tkazdi.

Tadbirkorlarimiz AQShda



Uchrashuvlarda bugungi kunda Samarqandda tadbirkorlik bilan shug'ullanish uchun yaratilgan sharoitlar va investitsiya muhiti to'g'risida taqdimotlar qilindi. Samarqandda tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish bo'yicha ikki tomonlama memorandumlar imzolandi.

Illinois shtatining Chikago shahrida «CABXPO Chicago-2025» xalqaro biznes-forumi ham bo'lib o'tdi.

Markaziy Osiyo va AQSh o'rtasidagi savdo-iqtisodiy hamkorlikni mustahkamlashga qaratilgan ushbu tadbirda Raqamli texnologiyalar vaziri Sherzod Shermatov hamda viloyatimiz tadbirkorlari O'zbekiston va Samarqandning investitsiyaviy va iqtisodiy salohiyati, xalqaro sheriklar bilan aloqalarni rivojlantirish, mintaqaning biznes imkoniyatlari haqida so'z yuritildi.

Samarqand delegatsiyasi Indoneziya va Malayziyada

Viloyat hokimining o'rinbosari R.Qobilov boshchiligidagi samarqandlik ishbiarmonlar Jakartada tashkil etilgan "O'zbekiston-Indoneziya hamkorlik forumi" doirasida indoneziyalik yetakchi tadbirkorlari bilan uchrashuvlar o'tkazdi.



Unda 200 dan ortiq yetakchi kompaniyalar, davlat tuzilmalari va moliya institutlaridan vakillar ishtirok etib, mahsulotlarini eksportga yo'naltirish uchun zarur bo'lgan litsenziya va sertifikatlarni olishda yuridik ko'mak ko'rsatish bo'yicha kelishuvlarga erishildi.

Tashrif davomida Kattaqo'rg'on shahar drama teatri hamda ushbu mamlakatning "Bumi Purnati" teatri hamkorligida sahnalashtirilgan "Imom Buxoriy va Sukarno" spektaklining premerasi bo'lib o'tdi.

Viloyat hokimligi va O'zbekistonning Indoneziyadagi elchixonasi ko'magida tashkil etilgan spektakl namoyishida Sukarnoning qizi, Indoneziyaning 5-prezidenti Megavati xonim, Indoneziya madaniyat vaziri, Jakarta shahar hokimi, Sukarno oilasi hamda viloyat hokimining o'rinbosari R.Qobilov rahbarligidagi delegatsiya a'zolari ishtirok etdi.



Delegatsiyamiz a'zolarining Malayziyaga safari davomida tashkil etilgan turizm forumlari, muzokaralar va madaniy tadbirlar viloyatimizning turizm salohiyatini xalqaro maydonda keng targ'ib etishga xizmat qildi.

Jumladan, Kuala-Lumpur shahrida tashkil etilgan O'zbekiston-Malayziya turizm forumida viloyatimizning turizm salohiyati taqdimot qilindi. Tadbirda har ikki mamlakatdan soha mutasaddilari, turizm sohasi vakillari, sayyohlik kompaniyalari rahbarlari ishtirok etdi.

BAA fondi ko'magida yuqori texnologik operatsiyalar bajarildi

Hamkorlik
istiqbollari



Respublika ixtisoslashtirilgan ko'z mikroxirurgiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazi Samarqand filialida Birlashgan Arab Amirliklarining "NOOR-DUBAI" fondi moliyaviy ko'magida tibbiy ko'rik tashkil etilib, murakkab jarrohlik amaliyotlari bajarilmoqda.

Mazkur fond dunyo bo'ylab ko'z kasalliklarini davolash va oldini olish bo'yicha dasturlarni, shu jumladan, ommaviy skrininglar, bepul jarrohlik amaliyoti, ko'z kasalliklarining oldini olish uchun dori-darmonlarni tarqatish va tibbiyot xodimlarini o'qitish kabi vazifalarni amalga oshiradi.

"NOOR-DUBAI" ushbu yo'nalishda O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirligi va Respublika ixtisoslashtirilgan ko'z mikroxirurgiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazi bilan yaqin hamkorlik qilib, ko'z kasalliklaridan aziyat chekayotgan yurtidoshlarimizga jarrohlik yo'li bilan oftalmologik yordam ko'rsatib kelmoqda.

- Fond yordamida tashkil etilgan navbatdagi



muruvvat aksiyasi Toshkent shahida - Respublika ixtisoslashtirilgan ko'z mikroxirurgiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazida boshlanib, 17-18-aprel kunlari Samarqandda, bizning muassasamizda davom etmoqda, - deydi Respublika ixtisoslashtirilgan ko'z mikroxirurgiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazi Samarqand filiali direktori Botir To'xtayev. - Bu yerda Samarqand, Buxoro, Navoiy va Jizzax viloyatlarida yashovchi, ko'z kataraktasi xastaligiga uchragan bemorlar tibbiy ko'rikdan o'tkazilib, yuqori texnologik jarrohlik amaliyotlari bajarildi. Ikki kun davomida to'rt viloyatdan kelgan 100 nafardan ortiq bemor operatsiya qilindi.

Fond vakillari va Respublika ixtisoslashtirilgan ko'z mikroxirurgiyasi ilmiy-amaliy tibbiyot markazi mutaxassislari ko'rik davomida aholiga tibbiy maslahat va tavsiyalar ham berdi

B.MUSTANOV.

Mamlakatimizda elektr energiyasi ishlab chiqarishda minigidroelektr stansiyalar qulay va samarali boʻlmoqda. Ular umumiy tarmoqqa ulanmasdan, har bir hudud va mahalla kesimida aholini elektr bilan taʼminlay oladi. Olinadigan elektr tannarxi ham boshqa manbalarga nisbatan asosan arzon. Gidroelektrstansiyalarning qulayligi shundaki, ular suvi kam daryo yoki kanallarda ham muntazam elektr ishlab chiqarishi mumkin.

Mikro GESlar

aholining energiyaga boʻlgan talabini qondiradi

Prezidentimizning 2023-yil 16-fevraldagi “2023-yilda qayta tiklanuvchi energiya manbalarini va energiya tejovchi texnologiyalarni joriy etishni jadallashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida»gi qaroriga asosan 2024-2025-yillarda viloyatimizda beshta mikrogidroelektr stansiya quriladi. Ulardan biri Past Dargʻom tumanida quvvati 760 kVt boʻlgan Mikro GES-3 foydalanishga topshirilgan. Ayni vaqtda tumanda bunyod etilayotgan 5 ta mikro GESdan ikkitasi foydalanishga qabul qilingan. Umuman bugun “Oʻzbekgidroenergo” aksiyadorlik jamiyatiga qarashli “Samarqand GESlari kaskadi” filiali 8 ta katta GES va 10 ta mikro GESlardan iborat boʻlib, ularda 165 nafar malakali muhandis-xodimlar mehnat qilmoqda. Bugungacha ishga tushirilgan 8 ta kichik gidroelektrstansiyalarning umumiy quvvati 69,9 megavatni tashkil etadi.

- Dargʻom kanalida qurilgan stansiyamizga oʻrnatilgan qurilmalar Xitoyning «JINLUN» kompaniyasi tomonidan olib kelingan boʻlib, ular elektr energiyasi ishlab chiqarish uchun qulay va samarali hisoblanadi, - deydi Mikro GES-3 boshligʻi Azimjon Isroilov.

- Hozirda mazkur GES sutkasiga 15-18 ming kVt/soat elektr energiyasi ishlab chiqarmoqda. Bu 400 ta xonadonni elektr energiya bilan taʼminlashga yetadi. Viloyatda dastur boʻyicha 107 ta kichik GES qurish koʻzda tutilgan boʻlib, hozircha ulardan 16 tasining loyiha hujjatlari tasdiqlangan. Aksariyat mikro GESlar Dargʻom kanalida quriladi va ularning elektr ishlab chiqarish hajmi oʻrtacha 2 million kVt/soatni tashkil etadi. Shuningdek, kanalning Urgut tumani hududida ham yana shunday toʻrtta mikro GES qurilishi davom etmoqda.

- Keyingi toʻrt yilda 5 ta mikro GES qurilib, foydalanishga topshirilgan boʻlsa, joriy yilda yana 3 tasi oʻz faoliyatini boshladi, - deydi “Samarqand GESlar kaskadi” filiali direktori Baxtiyor Pirmuhammedov. – Ayni vaqtda 2 ta mikro GESda qurilish-taʼmirlash ishlari olib borilmoqda. Tez orada ular ham foydalanishga topshirilgach, gidroelektrstansiyalarimizning jami quvvati 5,1 megavatga yetadi. Belgilangan dasturlar asosida tasdiqlangan 16 ta loyihaning 11 tasini xususiy mablagʻlar hisobiga amalga oshirish rejalashtirilgan.



2024-yilda Toyloq tumanining Galabotir mahallasi hududida qurilgan Shovdar GES-3ga malakali muhandis U.Mamatov boshchilik qiladi. Quvvati 6,4 MVt boʻlgan mazkur gidrostansiyaning 2 ta kuchli qurilmalari Rossiyadan olib kelingan. 18,4 million dollar evaziga barpo etilgan mazkur stansiya yiliga 32,5 million kVt/soat elektr energiyasi ishlab chiqaradi.

- Hozirda mazkur GES sutkasiga 120-140 ming kVt/soat elektr energiyasi ishlab chiqarmoqda, - deydi U.Mamatov. - Ishlab chiqarilgan elektr energiyasi tumanning 10 dan ziyod mahallasida istiqomat qilayotgan 17 mingga yaqin aholi xonadonlarini charogʻon etyapti. Avtomatlashtirilgan zamonaviy qurilma va gidrogeneratorlar ishlatishga juda qulay, inson omilini sezilarli ravishda kamaytirishi bilan eski GESlardan butunlay farq qiladi.

Mikro GESlar elektr energiya ishlab chiqarishda samaradorligi va sarflangan mablagʻni tezda qoplashi bilan oʻzini oqlagan. Shu sabab yurtimizda ularning sonini koʻpaytirish hamda ularga ketadigan qurilmalarni mahalliyashtirgan holda ishlab chiqarish uchun davlatimiz, xususan, “Oʻzbekgidroenergo” AJ tomonidan salmoqli mablagʻ sarflanmoqda. Bu ishlar amalga oshadigan boʻlsa, suv sarfi kam boʻlgan daryo va kanallarda ham bunday kichik loyihalarining soni koʻpayadi.

Dilmurod
TOʻXTAYEV.

Shaxsning ishtirokisiz kredit rasmiylashtirishning oldi olinadi

“Kredit axboroti almashinuvi toʻgʻrisida”gi Qonunga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritildi. Unga koʻra, endi Markaziy bank kredit bitimi tuzishi taqiqlangan shaxslar reestrini kredit byurolari tomonidan yuritilish tartibini belgilaydi.

Shuningdek, kredit byurosi ustav fondi (ustav kapitali)ning eng kam miqdori 2 milliard soʻmni tashkil etishi kerakligi belgilandi.

Kredit byurolariga nisbatan Markaziy bank quyidagi qoidabuzarliklar sodir etilganligi uchun chora va sanksiyalar qoʻllaydi:

- kredit axboroti almashinuvi toʻgʻrisidagi va kredit byurolari faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilik talablariga rioya etmaganlik;
- kredit byurolari xizmatlari isteʼmolchilarining huquqlarini buzganlik;



Statistika boshqarmasiga koʻra, viloyatimizda faoliyat koʻrsatayotgan chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxona va tashkilotlar boʻyicha 147 ta korxona bilan Xitoy (24,8 foiz) yetakchilik qilmoqda. Viloyat iqtisodiyotiga oʻz kapitalini kiritgan mamlakatlar orasida Turkiya (17,1 foiz), Rossiya Federatsiyasi (16,2 foiz), Janubiy Koreya (4,6 foiz) va Tojikiston (3,2 foiz) ham alohida oʻringa ega.



Bulungʻur tumani obodonlashtirish boshqarmasining xodimlari tuman markazida keng koʻlamli ishlarni amalga oshirmoqda.



Ishchi-xizmatchilar Oqtepa koʻchasida yoʻlovchilar uchun bir kilometr masofada maxsus yoʻlak qurishmoqda, - deydi ish boshqaruvchi Jahongir Azzamqulov. - Shu paytgacha tuman markazidagi Ona haykali qayta taʼmirlandi. Shuningdek, Fozil Yoʻldosh xiyoboni obodonlashtirildi.

Rabbim HOTAMOV
olgan suratlar.

Суд раиси оқланди

Инсонда бирор касб ёки ҳунарга лаёқат, билим ва иқтидор бўлмаса, ҳаётда ўз ўрнини топиши қийин. Раҳбарлик ва бошқа масъул вазифалар ҳам шу каби ҳислат-фазилатларга эга, ташаббускор ва фидойи мутахассисларга ишониб топширилади. Тарозисининг бир палласида қонун, иккинчи палласида инсон тақдири турадиган судьялар фаолияти эса шу жиҳатдан қараганда жуда мураккаб ва юксак масъулиятли иш ҳисобланади.

Зафар Атакулов ҳуқуқ илмини пухта эгаллаб, суд соҳасида иш бошлаганида ёш бўлишига қарамай, анча-мунча билим ва кўникмага эга эди. Шунинг учун икки йил Жомбой тумани суди судьяси бўлиб ишлаганидан сўнг 1992 йилда, 32 ёшида уни шу суд раиси лавозимига лойиқ кўришди. Ва у 10 йил суд раиси сифатида адолат тарозисини мустаҳкам ушлади. Аммо килларгадир унинг ўрни керак бўлдики ёки баъзиларнинг манфаатига зид иш қилдики, уни пора олганликда айблаб, нафақат ишдан четлатишди, балки обрў-эътибори, шаънига ҳам путур етказишди.

ЭГРИ ДАРАХТНИНГ СОЯСИ ТЎГРИ БЎЛМАЙДИ

Бу оиланинг никоҳини бекор қилиш ва мол-мулкни бўлиб бериш судига ҳам Зафар Атакулов раислик қилганди. Ушбу иш жараёнида пароканда бўлаётган оиладаги болалар она билан эмас, ота билан яшашларини билдиришганди ва суд шундай қарор қабул қилганди. Табиийки, бу онага оғир ботди. Лекин начора, болаларнинг ўзи шуни истади, адолат тарозиси посангиси ота ва болалар томонни босди. Ана ўшанда онанинг қалбида судьяга нисбатан кек пайдо бўлдики ёки адовати, бу йиллар ўтгани сайин кучайиб бораверди.

Орадан 6-7 йил ўтиб, шу оилада ўсган, бир вақтлар онасидан ўзо ўтирган ўғил тақчилланган диний ташкилотга аъзо бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тuzумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришда айбанди ва унга ҳукм ўқиш

яна 3.Атакулов чекига тушди. Судья ҳар бир ҳолатни адолатли баҳолади, ҳеч ким унга илтимос ёки таъйиқ ўтказмади, унинг ишига аралашмади. 2000 йил 15 августда суд ҳукм ўқиди – ноқобил ўғил 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин судланган томон бу ҳукмдан норози бўлиб, кассация шикоятни беришга қарор қилди. Бу жараёнда ҳам суд томонидан тегишли ҳужжатлар тайёрланди.

Она учун фарзанд қобил ё ноқобилми, ёш ёки каттами, барибир бола, юрагининг бир парчаси. Бу она ҳам фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр эди. У 11 сентябрь куни суд биносига келиб, раис ҳузурига кирди ва ўғлининг иши билан боғлиқ ҳужжатлар қачон вилоятга юборилишини сўради.

ҲАММАСИ УОШТИРИЛГАНИ БОШИДАН МАЪЛУМ ЭДИ

– 2000 йил 7 сентябрь куни кассация шикоятини расмийлаштириб, вилоят судига юбориш учун котибга бердим, хат ҳам тайёр эди, аммо туман прокурори ёрдамчиси музокара сўзини тақдим этмагани учун жиноят ишини вилоят судига юбора олмай тургандик, – деб ўша ҳолатни эслайди Зафар Атакулов. – 11 сентябрь куни тушлиқдан кейин хонамга келиб ўтирганимда, судланган шахснинг онаси кириб келди. Салом-алиқдан сўнг ўғлининг иши бўйича суд ҳужжатларини қачон вилоятга юборишимни сўради. Котибни қақирмай ўзим ўрнидан туриб, қабулхонага чиқдим ва ҳужжатлар тайёр бўлса, вилоят суди-



га юборишни унга тайинладим. Шу пайт ортимдан аёл ҳам хонамдан чиқди ва унга қоғозлар эртага жўнатилишини айтдим. У раҳмат айтиб, қўл узатиб кўришди-ю, чиқиб кетди. Кейин мен яна хонамга кириб, ўз ишларим билан машғул бўлдим. Бироздан сўнг бир неча киши кириб, ўзларини МХХ ва прокуратура ходимлари деб таништириб, мени пора олганликда айблашди ва аёлдан олган пулларни ўз ихтиёри билан чиқаришини сўрашди. Табиийки, ҳеч қандай пул олмаганимни айтдим. Кейин уларнинг ўзи чўнтақларимни ковлади, иш столим усти ва тортомларини кўрди – айтилган пул чиқмади. Шунда тергов гуруҳи бошлиғи ходимларидан бирига “сўраб чик, қаерга қўйибди” деди. Бир пасдан кейин ходим чиқиб “газета остида экан” деди ва улар иш столимдаги газеталар остидан 5 дона 100 АҚШ доллари олиб, қўлларим ва кийимларимни махсус ёритгич билан текширишди. Баённома тuzиб, имзолашимни талаб қилишди. Мен эса пул олмаганим, деб қўл қўйдим. Лекин ўша пайтда ҳам, кейинчалик тергов жараёнларида ҳам бу ҳисобга олинмади. Гўёки мен бу пулларни жиноят иши кассация тартибиде вилоят судида қўрилганда ҳукм оғирлаштирувчи томонга ўзгартирилмаслиги учун олган эмишман. Тергов жараёнида мендан мансабдор шахслардан бирига пора берганлик тўғрисида ҳам кўргазма олишга ҳаракат қилишди, бунинг учун ўзлари тузган баённомаларга қўл қўйишга мажбурлашди, лекин мен бунга рози бўлмадим.

Хуллас, турли йўللار билан бўлса-да, Зафар Атакулов бўйнига пора олганлик айбини “илинтириш” лозим эди. Воқеадан икки ҳафта олдин аёл томонидан гўёки

адвокатлар ва судья пора сўраганлиги ҳақида оғзаки мурожаат олинади. Шу куннинг ўзида ҳеч қандай суриштирув ўтказилмасдан Республика Бош прокурори томонидан жиноят иши кўзғатилади. Бундай ҳолатда қандай йўл билан бўлмасин, тадбир ўтказилиши лозим эди. Олдин адвокатларни пора билан ушлаш ва улар орқали Атакуловни илинтириш тadbiri ўтказилади, аммо бу амалга ошмайди. Шундан кейин аёлнинг ўзи ёрдамида Атакуловга қарши қонунсиз тадбир ўтказилади ва унинг бўйнига пора олганлик айби “илинади”.

Гарчи тергов жараёнида аёл ва суд раиси ўртасидаги суҳбат матнларида пул олди-бердиси ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқлиги, аёл пул миқдорини бир гал 500 минг сўм (ўша пайтда бу пул 3000 АҚШ доллари билан тенг келган), бошқа сафар 500 АҚШ доллари деб айтиб, пора бериш мотивини эса гўёки “прокурор киритган протестни олиш учун”, “прокурор протест келтирмаслиги учун”, “вилоят судида ҳукмни кучида қолдириш учун” деб сабабларни турлича кўрсатган бўлса-да, бунга эътибор қаратилмайди. Суд раисини пора олаётганда ушлаш тadbiri материаллари ҳам шошма-шошарлик билан, қўллаб қамчиликлар йўл қўйилган ҳолда тузилгани ҳам эътибордан четда қолади.

РЕЖА АМАЛГА ОШДИ

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг 2001 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Зафар Атакулов Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан мол-мулкнинг иккидан бир қисми давлат фойдасига мусодара қилинган ҳолда ЖКнинг 57-моддасига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Бу ҳукм юзасидан шикоят берилган, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг 2001-йил 2 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Бўлди, шу билан суд раиси “емаган сомса учун пул тўлади” – белгиланган жазо муддатини ўтади.

Вақт ҳамма нарсада даво, дейишади. Тўғри, жазо муддати ўтди, озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтди.

24 ЙИЛДАН СЎНГ АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Зафар Атакуловни ўзи адолат ҳимоячиси бўлса-да, адолат бузилгани, унинг шаъни, қадр-қимматига путур етказилгани қалбини оғритарди. Бу орада мамлакат раҳбарияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги ўзгаришлар рўй берди. Бир вақтлар маълум бир шахсларнинг кўрсатмаси билангина ноҳақ айбланган инсонлар оқланди, қадр-қиммати жойига қўйилди.

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат ўрнатишдаги бу саъй-ҳаракат ва имкониятлар туфайли Зафар Атакулов ҳам Олий судга мурожаат қилди. 2021-2022 йилларда иш Олий суднинг кассация, апелляция инстанцияларида кўрилди. Ва ниҳоят шу йилнинг 14 феврал куни Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очик суд мажлисида жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг 2001 йил 10 майдаги ҳукми бекор қилиниб, Зафар Атакулов айбсиз деб топилди ва оқланди. Орадан 24 йил ўтиб, адолат қарор топди.

– Қора кунлар ортада қолди-ку, яна югур-югур қилишдан нима наф дейдиганлар ҳам бўлди, – дейди Зафар Атакулов. – Тўғри, у кунлар ўтди, лекин ўша пайтларда кун эмас, ҳар лаҳзада ноҳақ жазоланганим, адолатнинг оёқ ости бўлганидан азият чекканман. Шукри, Шавкат Мирзиёевнинг давлат тепасига келиши билан эски тизим ўзгарди, бу ҳақда қанча гапирсак, шукрона айтсак, оз. Қолаверса, бунинг ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўрпимиз, халқроқ майдонда ҳам бу жараёнлар муносиб эътироф этилмоқда. Айтмоқчи бўлганим – Президентимизнинг оқилона давлат сиёсати туфайли мен каби юзлаб инсонлар оқланди, топталган шаъни тикланди. Мен ҳам судья эдим, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм ўқиганим. Ҳар гал ана шу жумлаларни ўқиганимда виждонимга қулоқ тутганман ва доим қонун, адолатни устувор тутганман. Кун келиб, ўзимга нисбатан ҳукм ўқилмаслиги учун ҳам шундай йўл тутганман. Худога шукр, кеч бўлса ҳам адолат қарор топганидан, оқланганимдан хурсандман.

Ж.ҲАСАНОВ.

Инсон ва қонун





Mahallangiz nomi ma'nosini bilasizmi?

Viloyat axborot-kutubxona markazida "Samarqand viloyati joy nomlarining izohli lug'ati" kitobi taqdimoti o'tkazildi. Unda viloyat hokimligi, oliy ta'lim muassasalari va keng jamoatchilik vakillari, ziyoililar, talaba yoshlar ishtirok etdi.

Viloyat hokimligining bevosita rahbarligi va homiyligi-da tayyorlanib, nashr etilgan kitobdan viloyatdagi joy nomlari haqida ma'lumotlar o'rin olgan. Tashkilotchilar va kitobni tuzishda qatnashgan olimlar mazkur kitobni yaratish jarayonlari, Samarqand toponimikashunosligi haqida so'z yuritdilar.

– Prezidentimizning 2019-yil 21-oktabrda qabul qilingan "O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni o'zbek tilini rivojlantirishning strategik yo'nalishlari belgilab berilgan dasturiy hujjat bo'ldi, – deydi viloyat hokimining davlat tili masalalari bo'yicha maslahatchisi Sherali Temirov. – Ushbu farmonda geografik va boshqa toponimik obyektlarning nomlanishida qonun hujjatlariga qat'iy amal qilish hamda bu boradagi faoliyatning monitoringini olib borish va muvofiqlashtirish ham ko'zda tutilgan edi. Mazkur kitob ham bu boradagi ishlarning mahsuli sifatida Vazirlar Mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashabbusi bilan barcha hududlar qatori viloyatimizda ham yaratildi. Lug'at kitobni tayyorlashda filologiya fanlari doktori, professor Suyun Karimov, professor Abdurahim Turbobov, dotsent Shavkat Mahammadiyev va bir qator yosh olimlar faol ishtirok etdilar. Shuningdek, ushbu yo'nalishda amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlarga tayanildi.

Kitob taqdimotida Samarqand davlat universiteti professori Suyun Karimov, "Zarafshon" va "Samarqandский вестник" gazetalari tahririyati bosh muharriri F.Toshev mazkur kitob Samarqanddagi joy nomlari haqida qimmatli ma'lumotlar jamlangan ilmiy tadqiqot bo'lganini ta'kidlab, bu xalqimiz tarixi, madaniyati, an'ana va qadriyatlarini o'rganishga ham xizmat qilishini ta'kidladilar.

Taqdimotda kitobni tayyorlashda ishtirok etgan olim va tadqiqotchilarga viloyat hokimligining tashakkurnoma va esdalik sovg'alari topshirildi. Lug'at kitob viloyatdagi kutubxonalar, ta'lim muassasalariga bepul tarqatiladi.

Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди. Ҳар бир кунини ҳаётига янги маъно-мазмун киритиш учун ўтказишга интилади. Шундай азиз инсонлардан бири камтарин, жонкуяр раҳбар Шўҳрат Деҳқонов ҳаёт бўлганида бугун 75 ёшни қаршилаган бўларди.

Шўҳрат Деҳқонов Тошкент вилояти Бекобод туманида туғилиб ўсди. Ота-онаси Холбўта ота ҳамда Рўзиғул аялар фарзандларининг билимли бўлиб вояга етишини истаб, уларга билим ва тарбия беришди. Шўҳрат 1967 йилда қишлоғидаги ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат уни-верситетига ўқишга кирди. 1972 йилда шарқшунос-филолог мутахассислигини эгаллади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, меҳнат фаолиятини Бекобод шаҳар босмахонасида му-сахҳихликдан бошлади. 1976-1980 йилларда Бекобод туман ёшлар ташкилотида, кейинчалик халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасида бўлим мудири, котиб



Бундан 80 йил олдин фашистларни енгиб, ғалабага эришган юртдошларимиздан бири Найимжон Ғаниевнинг набираси эканлигидан faxрланаман. Бом 1921 йилда Самарқанд туманидаги Бўҳорий қишлоғида дунёга келган. 1937 йилда еттинчи синфни битириб, Самарқанддаги 12-педагогика билим юртида таҳсил олган. Дастлаб Тойлоқда, сўнгра Самарқанд туманидаги ўзи таълим олган 1-мактабда муаллимлик қилган.

Бобомнинг ҳикоялари тинчликнинг қадрини англамади

Урушга сафарбарлик эълон қилинган, 1942 йилнинг январь ойида у киши ҳам ҳарбий хизматга кетади. Россиянинг Пенза шаҳрида қисқа муддатли жанговар тайёргарлик ва таълимдан сўнг кичик лейтенант унвони билан фронтга жўнади. Кунларнинг бирида 340-сонли Киев ўқчи-дивизиясида Сталинград фронтда душман билан юзма-юз келади. Бу кунлар-ни бобом шундай ҳикоя қилиб берганлар.

"1943 йил эди. Дарё бўйлаб Яновиче шаҳри-да полкмиш курушова қолди. Батальон комсомол ташкилотчиси бўлганим учун доимгидек олдиндаман. Атроф қалин ўрмон. Душмanning режаси ҳам, зарба беришимиз лозим бўлган томон ҳам номаълум. Учун-чи кунни мени штабга қақирдиши.

– Лейтенант Ғаниев, кўриб турибсан, вазият оғир. Қуршовдамиз, ўлим билан юзма-юз турибмиз, – деди полк командири Проценко. – Мана бу тўрт йигитни олиб, разведкага борасан. Вазифа учта – бирин-чиси, немис қисмларининг жойлашиши ва кучини, техника ҳолати ва мақсадини ўрганасан. Иккинчиси, озик-овқат захиралари бор жойини қидириб топасан ва учинчи топширик – немисларга аралашиб юрган пайтингда озингга папирос кистириб, "Эх, гугурт ҳам тугаб қолибди-ку!" дегувчи киши билан учрашишдан иборат. Сизлар немис қийимида бўласиз, қуроллар, мотоцикллар ҳам бўлади, аммо ҳужжат йўқ.

Шундай қилиб, тўрт "немис солдати" ва бир "ки-чик офицери" уч мотоциклда йўлга тушдик. Одамлар бор жойда ўзимизни дадил тутиб, зарур топшириқни бажараётгандек кўрсатамиз. Қишлоқларда ҳақиқий немислардан кўра, уларнинг қийимини кийиб олган сотқинлар кўпроқ учарди. Уч-тўрт кунда атрофни ва қуршов қизикларини ўргандик, озик-овқат захирала-ри бор жойларини аниқлаб, натижасини штабга ет-казиб турдик. Бир кун Рацеховице қишлоғига кириб

Ҳаётдан мазмун излаб яшаган инсон

вазифаларида фаолият кўрсатди.

Шўҳрат ака ҳаёт имтиҳонларидан сабот билан ўтиб, 1981-1998 йилларда Жиззах шаҳар қўми-тасида бўлим мудири, шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раиси, шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоли-тини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, Жиззах вилояти ҳокимлигида котибият мудири вазифа-ларида фаолият кўрсатди. 1998 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида кенгаш раиси, Республика кенгаши раиси ўринбосари, Касаба уюшмалари Федера-циясида бўлим мудири, маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси сифатида фидокорона меҳнат қилди.

Ш.Деҳқонов билан қатор йиллар бирга фаолият юритган давримизда у кишидан кўп нарса ўргандим. Шўҳрат ака ниҳо-ятда камтарин, тўғриси эинсон эди. Муҳтожлардан ёрдамини



аямасди. Шогирдларига "Қийин ишда лаззат бор. Сиз ҳар доим қийин ишни тан-ланг. Ўша ишни бажариб бўлганингиздан сўнг ўзингизга бўлган ишончингиз ортади ва яна катта-катта ишларга кўрқмасдан киришаверасизлар", деб уқтирарди.

Шўҳрат ака 2023 йилнинг 12 октя-брида оламдан ўтди. Бу оиласи, ҳам-касб шогирдлари, касаба уюшмалари учун катта йўқотиш бўлди. Бироқ у киши яқинлари, дўстлари хотирасида азиз инсон сифатида сақланиб қолади. Шўҳрат Деҳқонов бугун қаторимизда бўлмаса-да, у киши ҳақидаги хотиралар йиллар оша қалбимизда қолади.

Ифтихор ҲАЙМОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг масъул ташкилотчиси.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳмат ҚОБИЛОВ

Каттақўрғоннинг пиру ба-давлат нурунийларидан бири, нафақат фарзанд ва набирала-ри, балки Богот маҳалласининг фахри бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳмат Қоби-лов 100 ёшида вафот этди.

Р.Қобилов 1925 йилда Каттақўрғон туманида туғил-ганди. Унинг болалиги оғир йилларга тўғри келди, ўсмирлик чоғларидан колхозда ишлаб, суяғи меҳнатда қотди. Уруш бошлангач, аввал икки акаси-ни, кейин 17 ёшида уни ҳам фронтга сафарбар қилишди. 363-танкчилар дивизияси таркибида Польша, Чехословакия ва Австрия ҳудудларида бўлиб ўтган жангларда мардлик ва жасорат кўрсатди. Бир неча бор жароҳатланиб, госпитал-ларда даволаниб, яна фронтга қайтди. Ҳатто урушдан кейин ҳам ҳарбий хизматни давом эттириб, 1950 йилдагина уйига қайтди.

Колхозда, электр станциясида, телефон алоқа тармоғида ишлади. Оилали бўлиб, ўн нафар фарзанд кўрди. Юздан ортиқ невара-чевараларнинг бобоси бўлди.

Раҳмат Қобилов бир умр заҳматли меҳнати, ҳалол ва фидойиблиги билан фарзандларига, маҳалла ахлига ибрат бўлди. Ёшлардан ўз ҳаётий тажрибалари, маслаҳатларини аямади. Уларни тўғри йўлга бошлади, касб-хунарли бўлишга ундади.

Отахон юртимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнаш-чиларига кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат-эҳтиромдан баҳраманд бўлиб, ҳаёт кечяриб келаётганди. Айниқса, кейинги йилларда 9 май арафасида, бошқа байрамлар-да давлат раҳбарининг табрик ва совғаларини олганда жуда хурсанд бўлиб, шу кунларга етказганига шўкрона айтарди, эзгу ишлар бошида турган инсонларни дуо қилишдан қарчамасди.

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги арафасида, улуг ёшда бандаликни бажо келтирган Раҳмат Қобиловнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этамиз!

Бугунги тинч-осойишта кунлар учун заҳмат чеккан, урушда жасорат кўрсатган миллионлаб юртдошларимиз қа-торида Раҳмат бобонинг ҳам пок номи ва жасорати халқимиз хотирасида мангу қолади.

"Нуруний" жамғармаси вилоят бўлими.



РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

MCHJ shaklidagi "DINAMO PLUS" professional futbol klubi DIREKTORI LAVOZIMIGA TANLOV E'LONL QILINADI

Vakansiya nomi: Direktor.

Manzil: O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Samarqand shahri, M.Ulug'bek ko'chasi, 54-uy.

Oylik maoshi: Jamiyat shtatlar jad-valiga muvofiq.

Qo'shimcha ta'minot: Yengil av-totransport vositasi.

Ish bandligi: To'liq bandlik.

Kimlar hujjat topshirishi mumkin: Ushbu e'lon talablariga javob beruvchi O'zbekiston Respublikasi fuqorolari va chet el fuqarolari.

Talablar:

- yoshi: 35 dan 45 yoshgacha;
- oliy ma'lumotli bo'lishi;
- korporativ boshqaruv tamoyillarini bilishi;
- futbol bo'yicha (litsenziya A) va ye-tarli tajribaga ega bo'lishi;
- iqtisodiy bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi;
- sport sohasida zamonaviy bilimga ega bo'lishi.

Shaxsiy sifatlatari:

- direktor barcha jabhalarda yetak-chilikni o'zlashtirish qobiliyati;

- yuqori darajadagi strategik fikrlash;
- yetakchilik fazilatlatari va tajribasining mavjudligi;
- ijobiy motivatsiya va ishontirish orqali o'zgarishlarni amalga oshirish tajribasi;
- javobgarlik, tanqidiy fikrlash, tahlil qilish qobiliyati, stressga chidamlilik.

Taqdim qilinishi kerak bo'lgan hujjatlar:

- ishtirokchining shaxsiy varaqasi (obyektivka);
- ma'lumoti to'g'risidagi diplom va hujjat nusxalari;
- fuqarolik pasportidan nusxa;
- jamiyatni rivojlantirish bo'yicha biz-nes-rejasi;
- mehnat daftarchasidan nusxa;
- agar mavjud bo'lsa, ilmiy unvonlari, darajalarini tasdiqlovchi hujjat, chop etil-gan maqolalari, boshqa mutaxassislik-ka ega ekanligini tasdiqlovchi hujjatlar, malaka oshirganligi to'g'risida hujjatlar, davlat mukofotlari mavjudligi to'g'risida ma'lumot, davlat tashkilotlarining tavs-iyanomalari;
- Yuqoridagi talablarga muvofiq tas-diqlovchi boshqa hujjatlar.

Talabgorlarni baholash tartibi:

- tasdiqlangan komissiya 5 ish kuni ichida talabgor tomonidan topshirilgan barcha hujjatlar ushbu lavozim talablari-ga mosligi o'rganib chiqiladi va bahola-nadi.

Baholash yakunlanganidan so'ng komissiya tomonidan 6 ish kuni ichi-da mazkur lavozim uchun 3 nafardan oshmaydigan eng yuqori ball to'plagan nomzodlar ro'yxati shakllantirilib, eng yuqori ball to'plagan nomzodlar bilan suhbat o'tkaziladi.

Hujjatlarni topshirish tartibi:

- taqdim etish shakli: talabgorlar to-monidan e'londa belgilangan talablar doirasida o'zi haqidagi barcha hujjat va ma'lumotlar yopiq (maxsus) konvertlarda taqdim etiladi.

Murojaat uchun manzil:
Samarqand shahar M.Ulug'bek ko'chasi, 54-uy.

Hujjatlarni qabul qilish muddati:
2025-yil 25-aprel kuni soat 17:00 ga qadar.



Ҳикоя

Кўнгиш

Қор тушиши билан бизга жон кирарди. Тонг бўзарганда қарабсизки, милтиқ елкада, ҳали из тушмаган боғ кўчадан ғизиллаб кетиб боряпмиз тоққа қараб.

Гоҳ ўртоқлар билан чиқсак, гоҳо якка ўзим чиқардим. У ерда Назрулла деган ўртоғимнинг томи кекса толларга кўмилган уйлари бор. У ёлғиз онаси билан яшарди. Отаси урушда ўлган. Қизиқ бола эди у. Ким овга юр деса, эргашиб кетаверарди. Бу ёқда мактаб борми, дарс борми - ўйлаб ўтирмасди. Унинг милтиғи ҳам йўқ эди. Лекин у нолимас, онасига, милтиқ олиб бер демас, овга бораётганларга эргашиб кетаверарди. Овга боргач, кийимларимизни пойлаб, олов ёқиб ўтирар, овимиз барор олган бўлса, биздан ортиқроқ қувонарди.

Бир куни саҳарда айвонга чиқсам, лайлакқор ёғиб турибди. Шундай тез ёғяптики, чорпога тагида чиркиллашаётган чумчуқларни ҳам кўриб бўлмайди.

Шоша-пиша уйга кириб кийиндим. Яримта нонни бўлиб, киссага солдим-да, милтиқни олиб, девор оша кетдим. Бундай вақтда биров кўрмасин, дейсан. Лекин албатта, кўради. Деворларнинг таги билан пишиллаб кетаётсам, тўп этиб елкамга бир бўлмбоз қор тушди. Нарига ўтиб қарадим. Нурмат Качал деган одам курагининг сопини кўкрагига суяб қўйиб, ҳовучига кўхляпти.

- Овлар барор олсин! - деди у. Бош ирғадим. - Пойлаб ўтирарканмиз-да? Илжайдим.

...Назрулла ухлаб ётган экан. Мени кўриб дарров гап нимадалигини тушунди. - Ахир, мактабинг бор-ку? - деди онаси. - Мактаб қочиб кетмайди, энажон, - деди Назрулла.

Қор бўралайди. Тоғ кўринмайди. Лекин, оёқларимиз адашмай олиб боряпти бизни. Дўнгликка чиқиб бордик. Бу ерда туман бор эди. Шунинг учун қор сийрак ва юмшоқ ёғарди. Атрофга қулоқ солдик. Каклик сайраши эшитилмади. Энгашиб, қорни кўздан кечирдик. Из ҳам йўқ эди.

- Шапалоқхонага борамиз, - деди Назрулла. Бордик. Кириб чиқдик. Тошларга ёпишиб юрадиган чўпоналдаргич қушидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. - Хук дарага борамиз. Кетдик. У ерда ҳам ҳеч нарсани учратмадик. - Хайдар бўлоққа борамизми? Кетдик. У ердаям каклик зоти йўқ эди. Ҳафсаламиз пир бўлди. Куннинг қай маҳал бўлганини ҳам билиб бўлмасди. Осмон ҳам оппоқ. Бир камарга кириб, бодомчадан олов қилдик-да, нонларимизни чўққа иситиб едик. - Мен катта йул билан кетаман, - дедим Назруллага. - Милтиқ уйлариингда туратурсин. Келишдик. Бироқ қишлоққа олиб тушади-ган, эрталабки дўнгликка чиққан ҳам эдик, чап томонимиздан, «как-как... какиба-какиба...» деган овозларни эшитиб қолдик. Негадир мен жаҳл билан Назруллага «ёт!» дедим-да, чўнкайиб югура кетдим. Дўнгликнинг лабига - ердан ёриб чиққандай уюм тошлар ёнига бориб, пастга мўраласам, бир гала каклик турнақатор тизилиб, ёнбағирни қиялаб боряпти. Қоқ белини кўзлаб отдим. Какликлар чўғурлаб кўтарилди-да, қанотларини думлари томон қайирганича дўнгликнинг орқасига ўтиб кетишди. Фақат биттасигина ерга туша бошладим. Отдим пастга ўзимни. Думалай-думалай, йиқила-сурила какликка етдим ва кўлларимни ёйиб, ўзимни унинг устига ташладим. Каклик кўлимда! У дириллайди, қуралай кўзларини жовдиратиб, қип-қизил оёғини таранг чўзади. Пичоқ Назруллада эди, унинг келишини ҳам кутмай тишим билан какликнинг кекирдагини узиб ташладим. Шу билан овимиз барор олиб кетди. Йўлда яна битта каклик отдик. Назрулланинг қувончини! Нуқул елкамга уриб, «яша, яша, жўражон!», дейди йиғламсираб. Шундай қилиб, иккита какликини белга осиб, қишлоққа

қайтдик. Мен тўғри уйга кетмоқчи эдим, Назрулла қўймади:

- Исинайлик.

Онаси дарров кўрпача тўшади, печкага кўмир солди. Мен печ ёнига - пўстакка ўтириб, музлаб тарашадай бўлиб қолган шимим почаларини ўтга тоблай бошладим.

- Гўшт қовуриб берайми? - деди Назрулланинг онаси.

Мен йўқ дедим. Лекин қовурди. Еб бўлганимизда, кеч туша бошлаган эди. Этигимни кийиб, какликларим боғланган белбоғимга қўл чўздим-у, лекин томирларим тортиб қолди: «Ахир какликларнинг биттасини Назруллага беришим керак-ку! Мен билан кун бўйи юрди... Лекин берсам, унда битта каклик билан уйга кириб бораманми? Нурмат Качал кўрса, «Ҳа, аранг битта отдингми?» демайдами? Ёки, «Аслида, отолмасан-у, бирорта овчидан ялиниб олибсан-да», дейди. Ота-онам-чи?».

Белбоғни унутган бўлиб, этигимнинг кўнжини тарта-тарта эшикка чиқдим. Назрулла айвонда белбоғни чиқариб берди.

- Нима, икковиниям менга бермоқчимисан? Кулимсиради. Ерга қараганча белбоғни белимга боғлай бошладим.

- Униси семиз экан, - деди Назрулла яланиб. - Буниси ориқ экан, мазаси йўқ.

Мен миқ этмай белбоғни боғладим. Онаси билан хайрлашдим-да, бу ёққа ўтиб какликнинг биттасини бераман, дегандай:

- Нарзи, сенга бир гапим бор, - дедим.

Дарвозадан чиққач:

- Хайр энди, - дедим. - Тезроқ боришим керак уйга.

- Ҳм... - деди Назрулла. - Лекин буниси жудаям оғир экан...

- Ҳа... - дедим ва кетдим. Кўчага бурила-

ётиб, ўгирилиб қарадим. Назрулла бўйинини қашиб турар, менга пастдан тикиларди.

Орқа-олдимга қарайман, сакраб-сакраб кетаман, какликни кўпроқ қимирлатаман. Лекин, Нурмат Качалнинг чорбоғига етгунча биронта ҳам йўловчи учрамади. Качалнинг дарвозасига етгач, тўхтадим-да, милтиғимнинг топ-тоза қўндоғини қор билан арта бошладим. Милини ҳам артдим... Йўқ, Качал йўқ. Керак бўлмаганди кўчаларда лапанглаб юрарди. Ҳозир йўқ. Жуда совуқ қотдим. Бор-э!

Уйга борсам, на онам бор, на отам!

- Бозорқўм холанг чақириб кетди, - деди момом.

Какликларни дахлиздаги ташландиқ шкаф устига отдим-да, шарт ечиниб кўрпага кирдим. Кун бўйи юриб, бўлганимча бўлган эканман. Тошдек қотиб қопман. Эрталаб ҳеч кимга гап қўшмадим. Нонушта қилаётган эдик.

- Қалай, бўримми, тулкими? - деди отам.

Чурқ этмай дахлизга чиқдим. Шкафнинг устига қўл чўздим. Ҳеч нарса илинмади. Стол қўйиб чиқиб бокдим. Ҳеч бало йўқ!

- Қани каклик? Момо?!

- Мен қандай билай, болажон! - деди бувим. - Менга берган бўлмасанг. Гапгаям жавоб бермадинг-у.

Эшикка отилдим. Боғнинг адоғидан, лойхонадан топдим... патларини... Сўнг милтиқни ўқлаб, кун бўйи дераза ёнида ўтирдим. Мушук келмади. Эртаси бозор куни эди. Қор тинган. Яна милтиқ олиб тонгда йўлга тушдим. Назрулла ҳовлилари саҳнидаги қорни кураётган экан. Мени кўриб, қизарган бурнини бир торти-да, ишини қилаверди.

- Нарзи... Юр, - дедим. У бош қимирлатди.

- Бугун отганимнинг ҳаммаси сеники, - дедим. Назрулла бошини кескин кўтарди.

- Нима кераги бор! Зор эмасман! Гап... Гап

кўнгилда, тушундингми? - деди у ва куракни қорга зарб билан санчиб уйига кириб кетди.



Шукур
ХОЛМИРЗАЕВ.

Қалдирғоч келди

Март ойининг охирида қишлоғимизга қалдирғочлар учиб келди. Олдиниға қишлоғимизни ўрганмоқчи бўлишгандай, ҳавода гир-гир айланиб учишди. Кейин симёғоч симларига қатор тизилиб, ўзининг “вижир-вижир” қўшиқларини куйлашди. Бирон соат шундай тургач, бирин-кетин парвоз қилиб, жуфт-жуфт бўлиб, хонадонларга бўлинишди.

Кун илиқ, чой ичиб ўтирибмиз. Ташқарида қалдирғоч айланди, кейин ўзини деразага “дўп-дўп” урди. Онам гапираётган гапини, ичаётган чойини қўйиб, деразага яқинлашди. Бир қалдирғоч дераза раҳига кўнганича, бизга қараб турибди.

- Худойим-ай, - деди онам. - У менга бир нималар деяпти.

- Қизиқмисиз она, - гапирдим хайрон бўлиб. - Қалдирғоч ҳам гапирадимми?

- Ҳа, болам, - оҳиста уқтирди онам. - Қалдирғоч ҳам гапиради, фақат уни тушуниш керак.

Онам пешонасини деразага тираб, ташқарига қаради. Худонинг бу меҳрибон қуши бир новдага кўнганича, ўз тилида вижирларди. Қўшиғининг охирида “чиғир-р” деб қўяди.

- Эшик..., эшикка қаранглар, - шундай дея онам дахлизга отилди.

Дарҳақиқат, ташқари эшик ёпилиб қолибди. Шамол қарсиллатиб урган, биз билмай қолибмиз.

- Бечора кирилмай қолибди. Ким-қаёқлардан учиб келади-я! Мени деб келдингми, қалдирғочим? - шивирлаб унга гапира бошлади онам.

Дахлизга кирган қалдирғоч қанотларини сийраб-сийраб учди, онамга жавобан шўх-шодон “вижир-вижир” қилди. Онам қалдирғоч билан сўзлашарди. Тавба, қалдирғоч ҳам онамни тушунгандай, шифтга кўнганича ўз тилида бир нималар дейди. Уни фақат онам тушунади. Мен худонинг бу икки жонзотиға қараб, хайратланаман. Кейин қуш хонамизда гир-гир айланди, сўнг ташқарига учиб чиқди. Бирон соатлардан кейин иккита бўлиб келишди. Шу куни улар дахлизимизда, йўғон болорға қўниб ухлашди. Тонг саҳар уларнинг “вижир-вижир”ини эшитдим, лекин кўзимни очишга эриндим.

Онам хурсанд, киради-чиқади, худди уйимизга азиз меҳмон келгандай. Индасангиз ўша шифтга кўрпача солгудай. Чой ичаётганда ҳам икки кўзи қалдирғочларда.

- Ҳа, она, мунча хурсандсиз? - дейман.

- Болам-ай, қалдирғочимиз келди.

- Ҳа, келади-да, - дейман парво қилмай.

- Келмай қолса, нима қиламиз? - шивирлайди ваҳимага тушиб онам.

Яна хайрон бўламан, битта қушга шунча ваҳима, ташвиш!

- Қалдирғоч келмай қолса, ёмон бўлади, болам, - дейди онам у ён-бу ёнига қараб. - Ҳамманикига келса-ю, бизникига келмаса-я?... - Кейин ўзининг гапидан ўзи кўрқиб кетади. - Худо сакласин. Қалдирғоч келмаса бўладими? - деб яна шифтга хавотир олиб қараб қўяди.

- Эшик ёпиқ қолмасин, доим очиқ турсин, - кейин бизга ҳам ишонмай ўзи бориб, эшикни текшириб келади.

Онамнинг гапидан, унинг ташвишидан кейин мен ҳам эшикка қарайман.

- Қалдирғоч Яратган эгамнинг эрка қуши болам. У одамларга яхшилик тилайди, қувонч олиб келади. Ҳар йили баҳорда минглаб хонадонлар унинг келишига кўз тикади, интиқ бўлиб кутади. Унинг келишида бахт-саодат бор. Шунинг учун у одамлар хонадонига уя қуради.

**Бобораҳмат МУҲАММАДИЕВ,
Нуробод тумани,
Тим қишлоғидаги 57-мактаб ўқитувчиси.**



ЮРТИМ

Субҳидам тонгининг куйи ўзгача,
Анвойи гулларнинг бўйи ўзгача,
Чаманзорда ошиқлар ўйи ўзгача,
Бағрингда нек ҳислар туяман, юртим!

Бу боғлар қирмизи олмали, болли,
Осмонинг беғубор, ойли, ҳилолли,
Ошиқлар ишқивор, ширин хаёлли,
Сенда мен муҳаббат кўраман, юртим!

Топганин атайин тўйга деб йиғар,
Ўнта боласига, уйга, деб йиғар,
Кучни бўйлашмоқчи бўйга, деб йиғар,
Завқимда бир шиддат сезаман, юртим!

Эшикка қулф тушмас ҳеч қачон,
Дастурхондан узилмас туз, нон,
Уновони зўр – ҳур Ўзбекистон,
Сени жондан ортиқ севаман, юртим!

БАТАН

Келинчаксан эркалатган
Кўзмунчоқли боласини,
Гуллар экиб ифорларга
Тўлдирган уй, хонасини,
Бетакрорим, ифтихорим –
ягонам шу она Ватан!

Ғанимларга талатмағай
Бўғдой эккан даласини.

Шойи, атлас қилиб кияр
Пилласин ҳар толасини,
Бетакрорим, ифтихорим –
ягонам шу она Ватан!

Эркатошинг жўшиб суяра,
Ватанини ўз онасини.
Авлодларга ёзиб қўяра
Хонишини, номасини,
Бетакрорим, ифтихорим –
ягонам шу она Ватан!

АЁЛЛАР

Сочларининг орасида гадолари адашган,
Қошларининг қаросида адолари адашган,
Юзи гулу бағри чаман, оролари адашган.
Ўсмалари, кўзларига сурмалари ярашган,
Сизу бизга - аёлларга яна нима ҳам керак?

Қирлардаги лолалар қалдида яшнаб турса,
Боғлардаги атиргул қадида яшнаб турса,
Булбуллар, қурилари тилида яшаб юрса,
Қалдирғочлар ҳовлида толе тилаб турса,
Сизу бизга - аёлларга яна нима ҳам керак?

Қуёш нури уйғотса бизни ҳар тонг эркалаб,
Саболар эсса дилхуш дарпардаларин ўйнаб,
Қозонида лаззатли овқатлар турса қайнаб,
Дилбандлари гирдида юрсалар яйраб-қувнаб,
Сизу бизга - аёлларга яна нима ҳам керак?

ИКИР-ФИКРЛАР

Ҳаётда ҳар ким ниятига яраша олади.

Ижод – ҳақиқатни айтмоқ. Акс ҳолда у сафсатабозликка айланиб қолади.

Айтилгани йўқолур, ёзилгани қолур.

Оммавий ахборот воситалари оммавий кайфият улашувчи минбарга айланмаслиги керак.

Инсонийлик - бу даража. Ундан ҳар қанақасига пастлашиш одаимийликдан узоқлашув демак.

Бой бўлиш билимга боғлиқ эмас.

Олтин билан темирни кесиб бўлмайди.

Худойберди КОМИЛОВ.

SHU OYDA TAVALLUD TOPGANLAR

19-APREL

Zafar ISMOILOV – 1955-yilda Samarqand shahrida tugʻilgan. Biologiya fanlari doktori.

20-APREL

Primqul NURMONOV – (1911-1978) Payariq tumanida tugʻilgan. Ikkinchi jahon urushi qatnashchisi. Qahramon.

Jamol TURSUNOV – (1951-2001) Oqdaryo tumanida tugʻilgan. Oʻzbekiston Jurnalistlar uyushmasi aʼzosi.

Ahad HAYDAROV – (1911-1971) Samarqand shahrida tugʻilgan. Jarroh. Oʻzbekistonda xizmat koʻrsatgan fan arbobi.

21-APREL

Xudoyberdi DONIYOROV – (1927-1991) Sirdaryo viloyatida tugʻilgan. Filologiya fanlari doktori, Oʻzbekistonda xizmat koʻrsatgan xalq taʼlimi xodimi.

Mirzoqul ISMOILOV – (1958-2020) Payariq tumanida tugʻilgan. Qishloq xoʻjalik fanlari doktori.

22-APREL

Ismoil BOBOQULOV – 1963-yilda Nurobod tumanida tugʻilgan. Filologiya fanlari doktori, professor.

Nusratulla XIDIROV – (1953-2012) Paxtachi tumanida tugʻilgan Oʻzbekiston Respublikasi xalq oʻqituvchisi.

26-APREL

Farid TUXFATULLIN – 1936-yilda Qoraqalpogʻistonda tugʻilgan. Fizika-matematika fanlari doktori.

27-APREL

Odil SUNNATOV – 1951-yilda Kat-taqoʻrgʻon shahrida tugʻilgan. Oʻzbekiston Respublikasi xalq oʻqituvchisi.

Баҳор илҳоми



НАМОЗШОМГУЛИМ

Сен беғубор болалиқдан гувоҳим,
Билмагaysан лекин фарёди, оҳим,
Намозшомгулим.
Онаю отамни кўриб қолган гул,
Йиғлаганда кўнглим олган гул,
Намозшомгулим.
Ифорларинг жонни туттувчи,
Хаёлим жаннатларга элттувчи,
Намозшомгулим.
Қиёсинг ҳеч бир гулга бермасман,
Сен борки, мен ишқсиз бўлмасман,
Намозшомгулим.
Шабнам каби баргларингда мен,
То қиёмат қани баҳра олсам жим,
Намозшомгулим.

Эркатош ШУКУРОВА,
Каттақўргон шаҳри.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta Oʻzbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida
2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan roʻyxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438.
14 575 nusxada chop etildi. Buyurtma 188. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA EʼLONLAR: (66) 233-91-56

BOʻLIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulugʻ Tursunov koʻchasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter boʻlimida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen koʻchasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti:
soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi:
soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

D.TOʻXTAYEV.


Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga oʻtish uchun
QR-kodni telefoningiz
orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda
narxi kelishilgan holda